

**“КОН-ҚИДИРУВ ЛАҲИМЛАРИНИ ЎТИШ ВА БУРҒИЛАШ ИШЛАРИ”
КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИ, ДОЛЗАРБЛИГИ ҲАМДА ҲАЁТИМИЗДА
ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

У. М. Казаков

ТДТУ “Фойдали қазилма конлари геологияси, қидируви ва разведкаси” кафедраси асистенти

О. О. Шодмонов

ТДТУ “Фойдали қазилма конлари геологияси, қидируви ва разведкаси” кафедраси асистенти

A R T I C L E I N F O .

Ключевые слова: Бургилаш
Ишлари”, Кон-Қидирув
Лахимларини Ўтиш Ва
Бурғилаш Ишлари

Аннотация

Ушбу мақолада кончилик саноати ривожланишига сабаб бўлган, бурғилаш ва кон-қидирув лахимларини ўтиш тизимининг пайдо бўлиши, ривожланиши, геология қидирув ишларидаги аҳамияти, долзарблиги ва ҳозирги вақтдаги ўрни ҳамда, ютуқлари ҳақида сўз юритилади.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl> © 2023 LWAB.

Азал-азалдан ер юзида одамзот пайдо бўла бошлагандан буён, эрамиздан бир неча минг йиллар аввал тошлардан турли қуроллар тайёрланган ҳамда уларни тутиб туриш мақсадида дастакларни маҳкамлаш учун кремнийли бурғилар билан пармалаш ишлари ихтиро қилинган.

Тарихдан маълумки Қадимий Мисрда бундан 6000 йил аввал пирамидаларни қуришда айланма бурғилаш ишларидан фойдаланилган.

Хитойда эса бундан 2000 йил аввал шўр сувлардан ош тузини ажратиб олиш учун зарба усули билан қудуқлар бурғиланган.

Кўхна римликлар ҳам турли мақсадлар учун бурғилашдан фойдаланганлар.

1126 йили Франциянинг Артуа провинциясида биринчи артезиан қудугини қазиш мақсадида бурғилаш ишлари олиб борилган.

Бурғилаш ишларининг бошланиши XV-XVII асрларда туз ётқизикларининг ривожланиши билан боғлиқ эди. Соликамск шаҳри яқинида чуқурлиги 100 метр ва диаметри 1,0 метр бўлган қудук белгилари топилган. Бурғилаш ишларининг Россиядаги ривожи XIX асрларга тўғри келади - шаҳар ва корхоналарни сув билан таъминлаш мақсадида:

- 1824-1831 йиллари Одесса шаҳрида;
- 1831-1833 йиллари Петербург шаҳрида;
- 1833 йили Керч шаҳрида;
- 1876 йили Москва шаҳрида биринчи сув қудуқлари бурғиланди.

Саноатнинг ривожланиши билан нефт, қўмир ва бошқа фойдали қазилмаларни разведка қилиш

Kielce: Laboratorium Wiedzy Artur Borcuch


бошланди. Краснодар ўлкасида 1866 йили А.Н Новоселцев раҳбарлигига зарба усули билан қазилган қудукдан нефт отилиб чиқди.



Колонкали бурғилаш усулининг ривожланиши Швецариялик соат устаси томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида тамал тоши қўйилганлиги билан бошланади. У 1862 йили Алп тоғидаги ўтказилган темир йўли тоннели қурилишида портлаш қудукларини бурғилаш учун олмосли коронкаларни таклиф этди. Олмосли бурғилашнинг кейинги такомиллашуви швед тоғ мухандислари томонидан амалга оширилганлиги бизга мозийдан маълум. Кейинчалик 1880 йили бурғилаш станогини ихтиро қилинди. Бу станок бутун дунё бўйлаб кенг тарқалди. 1899 йили профессор С.В Войслав биринчи бўлиб олмосли бурғилаш назариясини яратди ва мавжуд олмосли бурғилаш учун ускуналар ишлаб чиқишида ўзининг тамал тошини қўйди.



Роторли бурғилаш биринчи марта 1901 йили АҚШ да ишлатилди, Россияда роторли усул билан биринчи қудук 1991 йили Бакуда бурғиланди. 1920 йилдан бошлаб нефт қудукларини бурғилашда кенг авж олди ва 1934 йилга келиб зарбали бурғилашни сиқиб чиқарди.



Мустабид тузуми даврида разведкавий бурғилашнинг ривожланиши биринчи навбатда Курск аномалиясининг биринчи навбати билан боғлиқдир.

1929 йилдан мамлакатимизда қаттиқ қотишмаларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилгач, қаттиқ қотишмалар билан бурғилаш кўмир, минерал туз, марганец рудаси ва бошқаларни разведка қилишда ишлатила бошланди. 1960 йилдан бошлаб олмосли бурғилаш гуркираб ривожлана бошлади, юқори оборотли станоклар ихтиро қилинди, бурғилаш жараёнлари механизация ва автоматизацияланди. Мамлакатимизда кўп забойли ва йўналтирилган бурғилаш, қисилган хаво йўли билан бурғилаш, ечиладиган керн қабул қилувчи снаряд, кернни гидротранспорт йўли билан кўтариш ва гидроурғичли бурғилаш ва бошқалар ишлаб чиқилади ва мувофақият билан ишлатилмоқда.

Ўзбекистонда биринчи разведкавий кудук 1926 йилда Шорсу конида бурғиланган бўлиб, унинг чуқурлиги 98 метрни ташкил этган эди. Кейинчалик бурғилаш ишлари Олмалиқ ва Ангрен шаҳарлари атрофида олиб борилди.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари Россия, Белоруссия ва Украиналардан саноат корхоналарининг Ўзбекистонга кўчириб келиши муносабати билан геология - қидибув ишлари стратегик ҳом ашъё - ёқилғи ва бошқа фойдали қазилмаларни разведка қилишга йўналтирилди. 1950-60 йиллари геология-қидибув ишлари билан бир қаторда бурғилаш ишлари ҳам кескин ривожлана бошлади.

Бурғилаш ишларини бажариш учун янги ЗИФ-300, ЗИФ-650, ЗИФ-1200 русумдаги бурғилаш станоклари, 11-ГрБ, 9-МГР, ЗИФ -200/40 турдаги бурғилаш насослари, қаттиқ қотишмали жинсларни парчаловчи асбоблар ва ювиш суюқликлари яратилди.

ЗИФ-650



ЗИФ-1200



Мурунтов, Учқудук, Хандиза, Қўчбулоқ, Газли ва бошқа конларнинг очилишида бурғилаш ишлари муҳим ўрин тутди. Шу йиллари Ўзбекистонда собиқ иттифоқда биринчи бўлиб, қисилган хаво билан қудуқларни бурғилаш техника ва технологияси ишлаб чиқилди. Бу усул Қизилқумдаги конларни қидиришда муҳим ўрин тутди ва бу техника технология ҳозирги кунда ҳам кенг кулланилмоқда.

1970-80 йиллар - бурғилаш техника ва технологиясини янгитдан куролланиш даври деб ҳисобласа бўлади. Шу вактдан бошлаб қаттиқ жинсларни бурғилашда олмосли бурғилаш усули ҳисобланганлиги учун бу ишларда янги УКБ русумдаги бурғилаш қурилмалари қўлланила бошлади. Сув таъминоти, сугориш, мемеорация ва ўтлоқларни сувлаштириш мақсадида ер ости сувларини юқорига чиқаришда бурғилаш қудуқлари энг самарали ва тежамли иншоот ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳалқ хўжалигининг барча соҳаларида сув таъминоти масаласи тўла ҳал қилинган. Минглаб бурғилаш қудуқлари аҳоли яшайдиган пунктларни, саноатни ва қишлоқ хўжалигини сувга бўлган эҳтиёжини ер ости сувлари билан таъминламоқда.

Республикамизда сугориш системаларига кам ёғинли йилларда қўшимча сифатида ер ости сувларини чиқариш учун йирик тадбирлар амалга оширилмоқда, бу эса пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиришда алоҳида аҳамиятга эгадир. Қудуқлар мелиоратив системаларда ерларни тузлардан ювиш мақсадида ер ости сувлари сатхини пасайтириш учун ҳам бурғиланади. Юзлаб бундай қудуқлар Мирзачўл ва Карши чўлларининг ер массивларида ишлаб келмоқда. Вертикал дренажли қудуқлар шўр босган ерларда горизонтал дренаж тармоқларига яхши қўшимча бўлиб хизмат қиласи. Қудуқлар қурилиш котлованларини вақтинча сувдан ҳоли этиш учун ҳам бурғиланади. Бундай қудуқлар метрополитен станцияларининг барчасида бурғиланган ва бурғиланмоқда. Бундай қудуқлар шунингдек гидротехник иншоотларини қуришда ҳам ишлатилади. Бурғилаш қудуқлари қишлоқ хўжалиги майдонларида мелиоратив тадқиқотлар олиб бориш учун ва унинг гидрогеологик ҳолатини назорат қилиб туриш учун ҳам ишлатилади. Сув босадиган жойларда бурғилаш қудуқлари ёрдамида грунт сувлари сатхини пасайтирилади. Шундай қилиб, сув қудуқларини бунёд этишда бурғилаш ишларининг роли ва аҳамияти каттадир.

Сув таъминоти, мелиорация, сугориш масалаларини бурғилаш қудуқларисиз ҳал қилиб бўлмайди.

Бурғилаш қудуқлари республикамизда пахталиктининг ривожланишида янги очилган қўриқ ерларда ва эски шудгорланадиган массивларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва қишлоқ хўжалик ерларини кам ёғини йиллари қўшимча сугориш ишларида маълум роль ўйнади.

50- йиллари Тошкент шаҳрида Сариёгоч ва Минсувлари қишлоқларида ер ости маъданли шифобаҳш сувлари учун чуқур қудуқлар бурғиланди, бу эса ўз навбатида курорт ва сув билан даволаниш масканлари учун база бўлиб хизмат қилди. Шундай қудуқлар Оламушиқ, Чартоқ, Хоразмда ҳам бурғиланди ва ҳозирда улар ер ости сувлари билан даволовчи санаториялар сифатида фаолият кўрсатмоқдалар.

Экологик ҳалокат зонаси (Орололди, Хоразм вилояти ва бошқа) да яшаётган аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи долзарб муаммо бўлиб турибди. Бу ерларда чуқур қудуқлар бурғилаш ёрдамида ер ости сувлари линзаларини қидириш ишлари изчиллик билан олиб борилмоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, қишлоқ пунктларида яшовчи аҳолини тоза ичимлик сувлари билан таъминлаш республикада давлат миқёсидаги муҳим масала бўлиб ҳисобланади.

Бурғилаш қудуқлари куйидаги асосий белгилари билан ажратилади:

1. Ишлатилиш аҳамиятига кўра разведкавий эксплуатацион ва техникавий;
2. Чуқурлигига кўра:-чукур ва чуқур бўлмаган;

3. Диаметрига күра – кичик ва катта диаметрли;
4. Кудук стволи йўналишига кўра – вертикал, оғма ва горизонтал ҳамда ўсувчан (восстающий) бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бурение. Л.А.Думаревский. Ташкент 2000 г.
2. Тампонажные материалы и технология цементирования скважин. А.И.Булатов Москва “Недра” 1982 г.
3. А.А.Гланц, В.В.Аликсев. Справочник механика геолого-разведочных работ. М.Недра 1987 г.
4. Принципы выбора способов бурения и опробования скважин. А.А.Абдумажитов. Издательство «Фан» АН Республики Узбекистан 1992 г.
5. Новые технологии в создании и использовании алмазного породоразрушающего инструмента. В.И.Власюк, Ю.Е.Будюков, Л.К.Горшков, А.И.Осецкий, С.Я.Рябчиков, В.И.Спирин.